

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди


№ МО 5-10

20 13 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг

2013 йил "20" декабрь даги

484 - сонли буйруғи билан тасдиқланган



АГРОНОМИЯ

(Ўсимликларни химоя қилиш)

олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумқасбий ва
махсус фанлари педагоглари учун малака ошириш йўналишининг ўқув дастури

Тошкент – 2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг

2013 йил декабрдаги 5- сонли баённомаси билан маъқулланган.

Тузувчилар: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов - ТДПУ хузуридаги тармоқ маркази директори
п.ф.н. Ф.Т.Эсанбобоев - ЎзМУ хузуридаги минақавий марказ директори
қ.х.ф.д., проф., Э.А.Холмуродов ТДАУ “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” кафедраси мудир
қ.х.ф.н., доц., Б.С.Болтаев - ТДАУ “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” кафедраси доценти
б.ф.н. доц., Ш.Эсанбоев - ТДАУ “Ўсимликларни ҳимоя қилиш ” кафедраси доценти

Такризчилар: б.ф.н Б.Мухаммедиев - Ўсимликларни карантини Илмий марказ раҳбари
б.ф.н., доц., Х.Нуралиев - ТДАУ “ Ўсимликларни ҳимоя қилиш ” кафедраси доценти

Ўқув дастурлари Тошкент давлат аграр университети Илмий кенгашида тавсия қилинган (20__ йил _____даги ____-сонли баённома).

Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Умумий тайёргарлик модули:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари.
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.
- ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

Умумкасбий тайёргарлик модули:

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси.
- Электрон педагогика асослари.
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

- Амалий хорижий тил.
- Тестология асослари.
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.
- Ахборот хавфсизлиги.

Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Қишлоқ хўжалик экинларини зарарловчи янги карантин организмлар ва уларни бартараф этишнинг долзарб муаммолари.
- Кимёвий, биологик усулларни қўллашнинг янги технологиялари.
- Ўсимликларни ҳимоя қилишда замонавий воситалардан фойдаланиш.

Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Қишлоқ хўжалик экинларининг зарарли организмлари ва уларга қарши кураш ишларини тўғри ташкил этиш ва режалаштиришда замонавий қарашлар.
- Ўсимликларни ҳимоя қилиш фанини ўқитишдаги инновацион технологиялар.

Танлов фанлари модули.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари “Агрономия(ўсимликларни ҳимоя қилиш)” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Агрономия(ўсимликларни ҳимоя қилиш)” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга кўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- ўсимликларни замонавий кимёвий ҳимоя қилиш воситалари билан таниш бўлиши ва уларни қўллашда шахсан иштирок этиши, пестицидларни хоссалари салбий ва ижобий хусусиятлари, уларни қўллаш усуллари ва самарадорлигини аниқлай олишни;
- заҳарланиш тушунчалари, пестицидларни зарарли организмларга кириш йўллари, заҳарни организмда ўзгариши ва ундан чиқарилиши ҳақида;
- пестицидларни қўллаш тартибларини;
- талаба пестицидларни хоссалари салбий ва ижобий хусусиятлари, уларни қўллаш усуллари ва самарадорлигини;
- заҳар ва заҳарланиш тушунчалари, пестицидларни зарарли организмларга кириш йўллари, заҳарни организмда ўзгариши ва ундан чиқарилиши, амалиётда қўлланилишини;
- ўсимликларни ҳимоя қилишда энергия ва маблағ тежовчи технологияларни жорий этиш;
- ўсимликларни ҳимоя қилишда хорижий давлатлар ютуқларини билиши керак

Тингловчи:

- ўсимликларни ҳимоя қилишда замонавий кимёвий воситалардан фойдаланиш;
- ғўза зараркунандаларига қарши биологик кураш чораларини такомиллаштириш;
- ўсимликларни ҳимоя қилишда инновацион технологияларни жорий этиш;
- озуқабоп экинлар етиштиришда инновацион технологияларни жорий этиш кўникмаларига эга бўлишлари лозим.

Тингловчи:

- қишлоқ хўжалиги соҳасида мониторинг олиб бориш;
- қишлоқ хўжалик экинлар ҳосилдорлигини башорат қилиш;
- дала экинлар ҳосилдорлигига кимёвий воситаларнинг таъсирини аниқлашни дастурлашда замонавий методлардан фойдаланиш;
- дала экинларининг минерал озуқаларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;
- дала экинларини сувга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;

- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- мутахассислик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни хал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Курсни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Модуллارни ўқитишда дарслик, ўқув кўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гуруҳларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш жараёни 144 соатни ташкил этади. Ўқув юктамаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

«Агрономия (ўсимликларни химоя қилиш)»

малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни

I. Умумий тайёргарлик модули

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари.

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндашувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг сиёсий институтлар, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамиятнинг ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришнинг муҳим шартини ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти эканлиги. Мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим–тарбия тизимидаги замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим–тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиши. Миллий ғоя негизларидан таълим–тарбияда фойдаланиш.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

1.3. ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамойиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва бошқичлари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёнининг сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини баҳолаш мезонлари. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. Олий таълим муассасаларининг рейтинги. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

Таълимдаги инновацион технологиялар. Олий таълим муассасасида ўқув-услугий фаолиятни модернизациялашнинг асосий йўналишлари.

Инновацион таълим технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш. Халқаро ҳамкорлик ва хориж тажрибаси. Профессор-ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари, чет тиллар ва педагогик технологиялар бўйича саводхонлигининг ошириш масалалари.

Олий таълимнинг электрон ахборот-ресурслари ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш.

II. Умумқасбий тайёргарлик модули

2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб масалалари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга

йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

2.2. Электрон педагогика асослари.

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча. Ахборот – коммуникация технологияларининг воситалари. Янги ахборот технологиялари, Ахборот тизимини бошқариш, Ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристикаси. Замонавий коммуникация технологиялари. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари, Интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш. Ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари. Электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби. Таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилари, ташувчилари. Ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, Аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишнинг интерфаол технологиялари.

2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информатсион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик мулоқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилиятлари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараёни технологиялар лойиҳалаштириш.

2.4. Амалий хорижий тил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни

узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг учта асосий даражаси. Сўз бирикмалари атрофида мулоқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишда, бўш вақтларда бўладиган суҳбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мулоқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулоқот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўникмаси. Фикрни раво ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

2.5. Тестология асослари.

Тестология тушунчаси. Тестологиянинг тавсифи. Тестология ва унинг фаолият соҳалари. Тестологиянинг фан сифатида шаклланиш босқичлари.

Тест тузиш методикаси. Тестларнинг турлари, мазмуни ва кўрсаткич нормалари. Тестларнинг стандарт меъёрлари. Ёш нормалари. Гуруҳий нормалар. Нисбий норма. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари. Ижтимоий-гуманитар ва аниқ-табиий фанлар бўйича тест тузиш тартиби. Тест саволларини Давлат тест марказига тақдим этиш форматлари.

2.6. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақида тушунча. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ва вазифалари. Фаолият хавфсизлигини таҳлил қилиш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари, уларнинг мазмуни. Хавфлар, уларнинг таснифи. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари. Фаолият хавфсизлиги психологияси.. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар. Ўзбекистон шароитида техноген вазиятлар ва фавқулодда ҳолатларда таълим муассасаларида ходимлар ва ўқувчи талабалар ҳаракатини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш. Экологик таълим-тарбия мазмуни, методикаси. Экологик маърифат ҳақида тушунча. Экологик маданият ва уни барқарор тараққиётни таъминлашда тутган ўрни.

2.7. Ахборот хавфсизлиги.

Ахборот хавфсизлиги ва уни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари. Ахборот хавфсизлиги турлари. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Логин ва пароль тушунчаси. Идентификация ва аутентификация. Конфиденциал ахборот. Ахборот хавфсизлигининг концептуал модели. Ахборотларни ҳимоялашнинг криптографик усуллари. Электрон рақамли имзо ва ундан фойдаланиш. Интернет тизимидан олинаётган ахборотларнинг ишончлилиги, ўқув жараёнида Интернет манбаларидан фойдаланиш ва уларнинг ўқув мақсадларига мослиги.

III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули

3.1. Қишлоқ хўжалик экинларини зарарловчи янги карантин организмлар ва уларни бартараф этишнинг долзарб муаммолари.

Республикамизда қишлоқ хўжалик экинларини зарарловчи янги карантин организмлар ва уларни бартараф этишнинг долзарб муаммолари. Республикамизда карантин зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларнинг кириб келиш сабаблари, йўллари ҳамда уни бартараф этиш усуллари.

Қовун пашшаси, шарқ мевахўри, тут парвонаси, қон бити, комсток қурти, колорадо кўнғизи, ғовақловчи пашша каби карантин зараркунандаларнинг морфологик биологик хусусиятлари ҳамда уларга қарши қўлланиладиган карантин кураш чоралари.

Ўсимликларни карантин ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар ва қоидалар. Карантин хашаротлар рўйхати. Карантин кўригини талаб ва тартиблари. Колорадо картошка кўнғизи, калифорния қалқондори, шарқ мевахўри, цитрус оқ қаноти, комсток қурти, цитрус инли куяси, тарқалишининг олдини олиш.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонунлар ва ҳужжатлари. Ўзбекистонда қайд этилган, аммо кам тарқалган карантиндаги ва ўта хавfli зараркунанда хашаротлар. Ўзбекистонда қайд этилмаган карантиндаги ва ўта хавfli зараркунанда хашаротлар.

Бош Давлат Карантин инспекциясининг ваколатлари, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг ваколатлари. Давлат инспекцияларини аҳамияти ва вазифалари.

Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматини ўрганиш ва уни бекор қилиш тартиби. Уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини импорт ва экспорт қилиш. Вазирликлар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ўсимлик карантини соҳасидаги ҳуқуқлари ва вазифалари: қонунни бузганлик учун жавобгарлик ва халқаро шартномалар ва битимлар.

3.2. Кимёвий, биологик усулларни қўллашнинг янги технологиялари.

Ўсимликларни зарарли организмларига қарши кимёвий, биологик усулларни қўллашнинг янги технологиялари. Энтомофагларни биологик лабораторияларда кўпайтиришда ва қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларига қарши қўллашда янги технологиялардан фойдаланиш. Янги замонавий пестицидларни препарат шакллари ҳамда уларни зарарли организмларга қарши қўллашда замонавий технологиялардан фойдаланиш. Ғўза, ғалла, сабзавот-полиз, картошка, мойли экинлар, мевали боғларга зарар етказувчи асосий хашаротлар, каналар, нематодалар ва уларга қарши кимёвий, биологик кураш усулларини уйғунлашган кураш тизимида қўллаш принциплари. Асосий қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандалардан

химоя қилишда қўлланиладиган замонавий кимёвий ва биологик химоя қилиш воситалари. Агробиоценозда зараркунандаларни миқдорини иқтисодий зарар етказмайдиган даражада сақлаш учун уларнинг миқдорини бошқаришда турли усул ва воситаларидан фойдаланиш.

3.3. Ўсимликларни химоя қилишда инновацион технология ва янги воситалардан фойдаланиш.

Мамлакатимизда ўсимликларни химоя қилиш ва карантиннинг хизмат структураси, унинг илмий асосланганлиги. Ҳозирги шароитда ўсимликларни химоя қилишни ташкил этишни ютуқ ва камчиликлари. Ўсимликларни зараркунандалардан химоя қилишнинг асосий йўналишлари. Зараркунандаларга қарши кураш усулларининг классификацияси ва унинг ютуқ ҳамда камчиликлари, ўсимликларни химоя қилишда ҳудудий уйғунлаштирилган кураш тизими. Ҳимоя услубларининг таснифи; зараркунандаларга қарши курашнинг ташкилий ҳўжалик ва агротехник тадбирлари. Курашнинг биологик усули унинг афзаллиги ва камчиликлари.

Биологик усулнинг Ватанимиздаги ва чет элдаги аҳволи. Уйғунлашган системада биологик кураш усулининг роли. Кимёвий усул, унинг афзалликлари ва камчиликлари. Пестицидларнинг қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларига, атроф муҳит ва инсонлар саломатлигига салбий таъсири. Ўсимликларни уйғунлашган химоя қилишда химиявий усулнинг роли. Гормонал препаратлар ва феромонларни қўллашнинг хусусиятлари, курашнинг физик ва механик усуллари, уларнинг хусусиятлари ва қўллашнинг шакллари.

Ўсимликларни химоя қилишда янги замонавий усулларнинг аҳамияти ва уларнинг усуллари. Агробиоценозда зарарли организмларини бошқаришнинг усуллари. Асосий қишлоқ ҳўжалик экинларини зарарли организмлардан химоя қилиш технологияларини амалиётга жорий этишга оид кўникма ва малакаларини шакллантириш. Ўсимликларни химоя қилишнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш. Касбий таълим мақсади, мазмуни ва тингловчиларни тайёргарлик даражасига кўра соҳага оид фанлардан дарс ўтиш технологиялари билан танишиш.

IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули

4.1. Қишлоқ ҳўжалик экинларини зарарли организмлари ва уларга қарши кураш ишларини тўғри ташкил этиш ва режалаштиришда замонавий қарашлар.

Ўсимликларни химоя қилиш фанларининг замонавий концептуал асослари. Олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумқасбий ва махсус фанлар учун яратилган дидактик таъминот. Инновацион ўқув машғулотларининг методик таъминоти. Ўқув

машғулотларини инновацион дидактик материаллар асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

4.2. Ўсимликларни химоя қилиш фанини ўқитишдаги инновациялар

Олий таълим муассасаси ўқитувчиси шахсига қўйиладиган замонавий талаблар. Инновацион фаолият тузилмаси. Педагогик жараёнда инновация. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари. Педагогларнинг инновацион фаолияти хусусиятлари. Педагоглар фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндошувлар.

V. Танлов фанлари модули

Агрономия (Ўсимликларни химоя қилиш) фанлари соҳалари йўналишлари бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб марказ танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, педагогика, психология фанлари ва уларни ўқитишнинг долзарб муаммолари ҳамда замонавий концепсияси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти, мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар, илғор хорижий педагогик тажрибалар мавзулари доирасида олиб борилади. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

Мустақил соатларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил соатларни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Малакавий иш.
- Такдимот (танланган мавзу асосида такдимот тайёрланади).
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.
- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.
- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Малакавий иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб, уни бажаришда қуйидагиларга эътибор бериледи:

Таркиби:

- титул варағи;

- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни мутоала қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедия дарсликларини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- касбий педагогика муаммолари;
- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва мутоала қилиш;
- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- дарснинг маърузаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;
- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Малакавий иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

Тавсия этилаётган малакани ҳимоя қилиш ишларининг мавзулари:

1. Галла экинларидаги бошоқли бегона ўтлар ва уларга қарши кимёвий кураш воситалари
2. Ғўзада ўргимчакканага қарши янги шаклдаги олтингугурт акарацидларини қўллашнинг самарадорлиги
3. Цитрус экинларнинг зараркунандалари ва уларга қарши уйғунлашган кураш чоралари.
4. Зарарли хасванинг биологияси ва уларга қарши кураш усулларини такомиллаштириш
5. Донли экинларнинг (буғдой) асосий сўрувчи зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари.
6. Сабзавот агробиоценозида зараркунандалар сонини бошқаришда паразит энтомофагларнинг роли.
7. Мойли экинларга зарар етказувчи тенг қанотли зараркунандалар (Homoptera) ва уларга қарши кураш чоралари.
8. Уруғли мевали дарахтларнинг сўрувчи зараркунандаларига қарши кураш чоралари.
9. Кузги тунлам куртларининг энтомопатоген микромицетлари
10. Иссиқхоналарда ер устки тунламларга қарши биологик курашнинг самарадорлиги.
11. Гирдак куяларининг тур таркиби ва биоэкологияси

12. Чигирткаларга қарши кимёвий кураш воситаларини қўллашни самарадорлиги
13. Омбор зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари.
14. Картошканинг зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари.
15. Термитлар ва уларга қарши кураш чоралари.
16. Олма куртига қарши экологик хавфсиз кураш тизимини ишлаб чиқиш.
17. Мойли экинларга зарар етказувчи тангақанотли зараркунандалар ва уларга қарши кураш чоралари.
18. Тут парвонаси (*Diaphania pyralis walker*) биологияси ва уларга қарши кураш усуллари.
19. Зарарли чигирткаларга қарши курашда микробиологик препаратларни қўллаш
20. Тўғри қанотли зараркунандалар биологияси ва уларга қарши кураш чоралари
21. Цитрус ўсимликларининг зараркунандалари биологияси ва уларга қарши кураш чоралари
22. Карам ўсимлигининг зараркунандалари биологияси ва уларга қарши кураш чоралари
23. Иссиқхонада сўрувчи зараркунандаларнинг биологияси ва уларга қарши кураш чоралари
24. Термитлар биоэкологияси ва уларга қарши кураш чоралари
25. Уруғли мева боғларини зарарловчи тенг қанотли зараркунандалар ва уларга қарши кураш чоралари
26. Шарқ мевакурти ва унга қарши қўлланиладиган карантин кураш чоралари
27. Полиз экинларини сўрувчи зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари
28. Доривор ўсимликларнинг зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари
29. Занг канасининг биоэкологияси ва унга қарши кураш чоралари
30. Ғўзанинг кемирувчи зараркунандаларига қарши биологик кураш усули.

Дастурнинг информацион - методик таъминоти.

Модулларни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши:

- модуллар бўйича маърузалар замонавий компьютар технологиялари ёрдамида мультимедияли такдимот тайёрлашни;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни;
- тингловчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштиришни назарда тутади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
8. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
9. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
10. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
11. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». – Т.: 2008.-176 б.
12. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: «Ўзбекистон». –Т.: 2011.-440 б.
13. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, “Халқ сўзи”, 1998 й., 15 май 2- бет.
14. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
18. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. 218 б.
19. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005й. 213 б.
20. Белкин А.С., Жаворонкова В.Д., Зиминова И.С. Конфликтология: Наука о гармонии. – Екатеринбург, 1995. 312 с.
21. Бондаренко Н.В. - Биологическая защита растений. 2-е издание. Прераб.и доп М.,Агропромиздат, 1986 г.

22. Болтаев Б. ва бошқ. - Ғўза зараркунандаларига қарши биологаторияларда хашаротларни кўпайтириш ва қўллаш асослари.(Ўқув қўлланма). «Talqin» нашриёти. Тошкент,2007 й.
23. Гаппаров Ф. ва бошқ.- Ўзбекистон худудларида тўғри канотлилар туркумига кирувчи зарарли чигиртка ва чигирткасимонларнинг ривожланиши, ёппасига кўпайиш сабаблари, замонавий кураш чоралари.(тавсиянома). Тошкент,2008.
24. Кимсанбоев Х.Х. ва бошқ. - Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш. “Ўқитувчи” нашриёти. Тошкент,1997й.
25. Кимсанбоев Х.Х., Рашидов М.И. -“Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилишдан амалий машғулотлар”, “Мехнат” нашриёти. Тошкент,1991.
26. Кимсанбоев Х.Х. ва бошқ.- Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси. “Ўқитувчи” нашриёти. Тошкент,2002 йил.
27. Мухаммадиев Ш., Сулаймонов Б., Рашидов М. – Экинлар зарарли организмлари ривожланиши ва тарқалишининг башорати.(қўлланма). “Ўқитувчи” нашриёти. Тошкент,2002.
28. Рашидов М. - Интегрированная защита паслёновых овощных культур от вредителей. (монография)“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Тошкент, 2008 -192 б.
29. Саматов Ғ.А., Сулаймонов БА., Рустамова И.Б., Болтаев Б.С.- Қишлоқ хўжалик корхоналарида ўсимликларни ҳимоя қилиш ишларини ташкил этиш ва бошқариш. Касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланма. “Давр нашриёти”, Тошкент,2012.
30. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати. “O’simliklar himoyasi va karantini” журнали иловаси. Тошкент,2010й.
31. Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун. Тошкент. 31 август. 2000й.
32. Халилов К.Х., Ўльмасбаева Р.Ш., Кимсанбоев Х.Х. ва бошқ. - “Ғўза, бошоқли, сабзавот, ғалла, мевали зараркунандаларга ва касалликларга қарши кураш”, “Фан” нашриёти. Тошкент, 2007йил.
33. Хасанов Б.А.,Очилов Р.О., Гулмуродов Р.А. - Сабзавот, картошка ҳамда полиз экинларининг касалликлари ва уларга қарши кураш. “Vorish-Nashriyot”. Тошкент,2009.
34. Хасанов Б.А., Очилов Р., Холмуродов Э., Гулмуродов Р. – Мевали ва ёнғоқ мевали дарахтлар, цитрус, резавор мевали буталар ҳамда ток касалликлари ва уларга қарши кураш.(ўқув қўлланма). “Office Print” нашриёти. Тошкент,2010й.
35. Хамраев А.Ш., Кимсанбоев Х.Х. ва бошқ. – “Биозарарланиш”.(ўқув қўлланма). ТошДАУ нашр тахририяти. Тошкент,2009.
36. Хамраев А.Ш., Насриддинов К. – Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш.(ўқув қўлланма). “Халқ мероси”нашриёти, Тошкент,2003.
37. Хўжаев Ш.Т., Холмуродов Э.А. - Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари. “Фан” нашриёти. Тошкент,2009 й.

38. Ўзбекистон республикаси худудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари. Тошкент, 2000 йил.

39. Ларчинский А.В. и др. - Саранчовые Казахстана, Средней Азии и сопредельных территорий (монография). Ларами, 2002.

40. Юсупов А.Х., Марупов А. – Боғ ва токзорларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш чоралари. (ўқув кўлланма). “Талқин” нашриёти. Тошкент, 2009.

Интернет маълумотлари:

1. Ахборот-коммуникация технологиялари изохли lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz.

2. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz

3. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz

4. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>

5. www.press-uz.info

6. <http://www.uforum.uz/>

7. <http://www.assc.uz/>

8. <http://www.xabar.uz>

9. www.ziyonet.uz

10. www.edu.uz

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий - методик маркази



Директор

У.Ш.Бегимкулов

201 й.

М.Ў.

Тошкент давлат аграр университети
хузуридаги педагог кадрлар қайта
тайёрлаш ва уларнинг малакасини

ошириш тармоқ маркази



Директор

С.С.Фуломов

201 й.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўз.Р. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
Кадрлар ва ўқув юртлари бошқармаси



Бошқарма бошлиғи

Х.Х.Ҳамидов

201 й.